

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ”
МАВЗУСИДАГИ АНЪАНАВИЙ XIII РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ
IV қисм**

Самарқанд-2017 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИНГ
ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ АНЪАНАВИЙ
XIII РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ
IV қисм
(2017 йил, 19-20 февраль)**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

**Часть-4
(19-20 февраля, 2017 года)**

Самарқанд-2017й.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР, ПЕДАГОГИКА ВА ТАБИЙ ФАНЛАРДА ХАМДА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

МАСОФАВИЙ ВА МОДУЛЛИ ЁҚИТИШ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Байдуллаев А.С.

Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси

Масофавий ўқитиш-янги ва анча прогрессив бўлган ўқитиш шаклидир.

Бу усулнинг турли хил таълим муассасаларига, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларга тадбиқи ўқувчи-талаба ва ўқитувчи(педагог)ларни дунёнинг илғор илмий мактабларининг юқори сифатли ўқув-услубий ишланмалари, замонавий ва сўнгги ахборотларидан, қаерда бўлишидан қатъий назар, тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини беради. Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Устоз» фонди қиёфасида жаҳон институтлари билан олий таълимда масофавий ўқитиш усули компонентларини татбиқ қилиш ҳақида келишув тузилди.

Бундай лойиҳа, нафақат Ўзбекистон учун, балки Ўрта Осиёнинг барча ҳудудлари ва Қозоғистон ҳамда ҳамдўстлик давлатлари учун масофавий ўқитиш соҳасида жаҳон банки институтининг илғор лойиҳаларидандир.

Жаҳон банки лойиҳаси масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш учун бошланғич майдон бўладиган масофавий ўқитиш тармоқлари инфратузилмаси база элементларини яратиш, масофавий ўқитиш усулларини қўллаш соҳасини кенгайтириш ва масофавий ўқитишни амалга оширувчи замонавий технологияларни ривожлантиришни кўзда тутди. Тошкент шаҳрида жойлашган университетларда жаҳон банки лойиҳасининг муваффақиятли қўлланилиши унинг ҳаётийлиги ва юқори кўрсаткичга эришилганлигини тасдиқлади.

Олий ўқув юрғларидан 30 нафардан ортиқ етук ўқитувчилар танлаб олиниб, улар масофадан ўқитишлар бўйича қайта тайёрланди. 2008 йилда жаҳон банки ташаббуси билан Москва ва Бишкекда ўқитиш марказлари ташкил этилиб, унга таклиф этилган қатнашчилар янги ўқув методологиясини масофадан режимли бошқариш ва электрон курслари методлари бўйича қайта тайёрланди. Лойиҳанинг университет иштирокчилари учун иқтисодий йўналишлар бўйича масофавий ўқитиш тартибида машғулотлар ўтказиш учун техник база воситалари ташкил этилди. Интернетга уланиш йўллари изланмоқда. Буларнинг барчаси берилган технология турларининг истиқболлари тўғрисида гапиришга имкон беради.

Масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқитиш шаклларида куйидаги хусусиятларини фарқлаш мумкин;

Энгилувчанлик. Ўзига қулай вақтда, жойда ва шароитда ўқитиш имкониятини беради.

Модуллиқ. Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолатда шахсий ҳамда гуруҳ талабига жавоб берадиган ўқув режасини амалга оширади.

Қуришов. Бир вақтда кўп иштирокчиларга ўқув ахбороти бўйича муурожаат қилиш, тармоқ ёрдамида ўзаро ахборот алмашинувини тўғри ташкил этиш имконини беради.

Тезжамкорлик. Ўқув майдонлари, техник воситалар, моддий ва маънавий ашёлардан унумли фойдаланиш, ўқув ахборотларини тўпланган ва бир хилликка келтирилган ҳолда ифодалаш ҳамда уларни ўзлаштирувчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича харажатларни камайтиради.

Технологиклик. Таълим бериш жараёнида инсонни жаҳоннинг индустриал фазосига киритишга имкон берадиган янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш.

Ижтимоий тенг ҳуқуқлилиқ. Ўқитувчининг турар жойидан, саломатлиги, моддий таъминланганлигидан келиб чиқиб, катта кўпчиликка мустақил таълим учун тенг имконият яратилади.

Байналмилаллик. Таълим хизматлари бозорида эришилган ютуқларнинг экспорти ва импорти таъминланади.

Ўқитувчи(педагог)ларнинг янги вазифалари. Масофавий ўқитиш ўқитувчи(педагог)нинг вазифаларини кенгайтиради ва янгилайди. Ўқитилаётган курсларни доимо такомиллаштириш, тингловчиларнинг ижодий фаоллигини ва уларнинг малакасини ошириш, киритилган янгилик ва инновацияларга мос билим бериш жараёнларини мувофиқлаштириш зарур.

Масофавий ўқитиш талабага ижобий таъсир этади. Ўзини ўзи ташкил этишда, билим олишга интилишда, компьютер техникаси билан ўзаро ишлаш ва мустақил маъсулиятли вазифаларни ҳал қилишда унинг ижодий ва тафаккур салоҳиятини ўстиради. Масофавий ўқитиш сифати кундузги таълим олиш тартибидан сифат жиҳатидан қолишмайди.

Масофавий ўқитиш қуйидаги ижтимоий аҳамиятли масалаларни ечишга таъсир этиши лозим:

- таълим хизматларида аҳолининг эҳтиёжини амалга ошириш;
- сифатли тайёрланган мутахассислар билан давлат эҳтиёжларини қондириш;
- аҳолининг ижтимоий ва профессионал ҳаракатчанлигини ошириш;
- тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллиги, ўзлигини англаши тевақатроф тўғрисидаги билимларни кенгайтириш;
- давлатимизнинг олий мактабларида йиғилган билимлар ҳамда кадрларнинг моддий салоҳиятини сақлаш ва қўпайтириш;
- бутун жаҳон ҳамжамияти чегарасида таълим фазосининг ҳар бир нуқтасида нострификацияланган таълим олиш имкониятини таъминлашни ўз ичига олган яхлит таълим фазосини ривожлантириш;
- геосиёсий масалаларни ечиш ва бошқалар.

Ўқитиш мазмуни. Ўқитиш жараёни, усуллари ва ташкилий тартиби ҳамда амалга оширилиши унинг таркиби билан ифодаланади.